



THE CONQUEST OF KHWARIZM DURING THE ERA OF QUTAYBA IBN MUSLIM

Oybek Sotvoldiyev

PhD, Head of Department

Imam Maturidi International Scientific Research Center

Uzbekistan, Tashkent

ABOUT ARTICLE

Key words: Qutayba ibn Muslim, Khwarizm, Khurrazad, Khwarizmshah, Arab conquests, Islamic history, military strategy, Tabari, S. Tolstov.

Received: 23.12.24

Accepted: 25.12.24

Published: 27.12.24

Abstract: This article analyzes the history of the conquest of Khwarizm during the era of Qutayba ibn Muslim, as well as its military and political processes. The conflicts between the Khwarizmshah and his brother Khurrazad, the reasons leading to the conquest, the actions of the Arab armies, and the impact of this process on the historical and cultural situation of Khwarazm are examined. The article, drawing on Tabari, Ibn A'tham, and other Islamic sources, as well as the works of modern researchers, including S. Tolstov and A. H. Gibb, provides a detailed account of Qutayba's actions starting from Hazarasp and their consequences.

ҚУТАЙБА ИБН МУСЛИМ ДАВРИДА ХОРАЗМНИНГ ФАТХ ЭТИЛИШИ

Ойбек Сотволдиев

PhD, бўлим бошлиғи

Имом Мотуридий халқаро илмий тадқиқот маркази

Ўзбекистон, Тошкент

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Қутайба ибн Муслим, Хоразм, Хурразод, Хоразмшоҳ, араб фатҳлари, ислом тарихи, Табарий, С. Толстов.

Аннотация: Мазкур мақолада Қутайба ибн Муслим даврида Хоразмнинг фатх этилиши тарихи, унинг ҳарбий ва сиёсий жараёнлари таҳлил қилинади. Хоразмшоҳ ва унинг укаси Хурразод ўртасидаги можаролар, фатҳга олиб келган сабаблар, араб қўшинларининг ҳаракатлари ва фатҳнинг Хоразмнинг тарихий ва маданий аҳволига кўрсатган таъсири кўриб чиқилган. Мақолада Табарий, Ибн Аъсам ва бошқа исломий манбаларга ҳамда

замонавий тадқиқотчилар, жумладан С. Толстов ва А.Х.Гиббининг ишларига таянган ҳолда, Қутайбанинг Ҳазораспдан бошлаб амалга оширган фатҳ ҳаракатлари ва унинг натижалари ёритилган.

ЗАВОЕВАНИЕ ХОРЕЗМА КУТАЙБОЙ ИБН МУСЛИМОМ

Ойбек Сотволдиев

PhD, Заведующий отделом

Международного научно-исследовательского центра им. Имама Мотуриди

Узбекистан, Ташкент

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Кутейба ибн Муслим, Хорезм, Хурразад, хорезмшах, арабские завоевания, исламская история, Табарий, С. Толстой.

Аннотация: В данной статье анализируется история завоевания Хорезма при Кутайбе ибн Муслиме, его военные и политические процессы. Были рассмотрены конфликты между хорезмшахом и его младшим братом Хурразадом, причины, приведшие к Завоеванию, действия арабских армий и влияние Завоевания на историческую и культурную ситуацию в Хорезме. В статье приводятся цитаты Табари, Ибн Асама и других исламских источников, а также современных исследователей, в том числе С. Толстого и А.Х. Гибба на основе работы освещаются завоевательные усилия Кутейбы, начиная с Хазараспа, и его результаты.

КИРИШ

Хоразм VIII асрда Ўрта Осиёдаги йирик сиёсий ва маданий марказлардан бири бўлган. Ушбу минтақага бўлган ҳарбий юришлар араб қўшинларининг исломни тарқатишдаги муҳим стратегик қадамларидан бири эди. Қутайба ибн Муслим раҳбарлигида амалга оширилган Хоразм фатҳи ислом тарихидаги муҳим воқеалардан бири бўлиб, у нафақат ҳарбий, балки сиёсий ва маданий жиҳатдан ҳам катта аҳамият касб этади. Ўша даврда Хоразмшоҳ ва унинг укаси Хурразод ўртасидаги ихтилофлар минтақанинг ички низоларга ботганини кўрсатади. Қуйида фатҳ жараёни, унинг сабаб ва натижалари манба ва тадқиқотлар асосида кўриб чиқилади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Африғийлар сулоласидани бўлган Хоразмшоҳ кучсиз киши бўлиб, укаси Хурразод (Хурзод) ҳукмронликда ундан устун келган эди. Хурразод ёш жиҳатдан ундан кичик бўлган. Хурразод Хоразмшоҳга тобе кимсалардан бирортасида жория, тижорат моли, улов борлиги ҳақида хабар топса, уларга одам юборар ва бу нарсаларни улардан олиб қўярди.

Агар уларнинг кизи, синглиси ёки чиройли аёли борлигини билиб қолса, уларни ҳам тортиб оларди. Хоҳлаганини олар, хоҳлаганини қамаб қўярди. Унинг учун имконсиз нарсанинг ўзи йўқ эди. Бошқалар тугул Хоразмшоҳнинг ўзи ҳам унга қарши чиқа олмасди. Ҳукмдорга укасининг қилмишларидан шикоят қилинса, “Унга қарши кучим етмайди” деб жавоб қайтарар, шу боис укасига нисбатан адовати кун сайин ортиб борарди[1].

Аҳвол тобора ёмонлашиб бораётганини кўрган ва ўзининг қўлидан бирор иш келмаслигини англаган Хоразмшоҳ укасининг “салтанати”га чек қўйиш учун ташқи кучлар ёрдамидан фойдаланишга қарор қилди. Шу мақсадда, у Мовароуннаҳрда фатҳ ҳаракатларини олиб бораётган араб қўмондони Қутайба ибн Муслимга мактуб ёзиб, уни ўз юртига таклиф қилган ва мамлакатини унга топширишини маълум қилган. У Қутайбага Хоразм шаҳарларининг учта олтин калитини ҳам юборган. Фақат укасини ва муҳолифларини ўзига топширилишини, улар устидан ўзи хоҳлаган ҳукми чиқаришини Қутайбага шарт қўйган. Шуларни ёзиб, Қутайбага элчилар юборган. Унинг бу ҳаракатидан на Хоразм марзубонларининг ва на деҳқонларининг хабари бўлди. Хоразмшоҳнинг элчилари қиш охирида – айни ғазот вақтида Қутайбанинг ҳузурига етиб борган. Қутайба Хоразмшоҳнинг таклифини қабул қилган. Бу келишув тахминан 711 йилнинг февраль ойида содир бўлган. Шундан кейин Қутайба ғазотга тайёргарлик кўра бошлаган. Лекин, Хоразмга боришларини сир тутиб, аксинча ўзини Сўғдга қарши юришга кетаётгандек кўрсатган.

Қутайба ўз ўрнига Собит Аъварни ноиб қилиб қолдириб, Марвдан Хоразм сари йўлга чиқади. Шу орада Хоразмшоҳ марзубонлари ва деҳқонларини тўплаб, уларга: “Қутайба Сўғд томон кетяпти. Сизга қарши уруш қилмайди. Келинглари, бу баҳор кунларида вақтичоғлик қилайлик”, дейди. Шу тариқа, ҳаммалари шароб ичиб, кўнгилхушликка бериладилар. Ўзларини Қутайбанинг ҳужумидан омонда ҳис қиладилар.

Токи Қутайба Ҳазораспга етиб келгунига қадар улар ҳеч нарсани пайқамаганлар. Унинг Ҳазораспга келиб бўлганини хабар топганларида эса Хоразмшоҳ ўз аъёнларига: “Энди нима қиламиз, фикрингиз қандай?”, деб савол ташлаган. Улар Қутайбага қарши уруш қилмоқчи эканликларини айтганлар. Хоразмшоҳ эса: “Бироқ, мен бундай қарашда эмасман. Чунки биздан кўра кучли ва қудратли бўлганлар ҳам унинг қаршисида ожиз қолдилар. Яхшиси, мен унга бир нималар бериб, ортига қайтариб юбораман. Бу йилча уни қайтариб юборайлик, кейин бирор чора топармиз”, деган. Атрофидагилар ҳам Хоразмшоҳнинг ушбу таклифини қабул қилганлар.

Араб қўшинларининг Ҳазораспга келиб ўрнашиши Хоразм аҳолисини даҳшатга солиб қўяди. Юқорида айтилганидек, Хоразмшоҳ ва унинг тарафдорлари Қутайбанинг куч

жиҳатдан устун эканини илгари суриб, келишув йўлини тутадилар. Хурразод ва унинг одамлари эса арабларга қарши кураш олиб боришга қарор қиладилар.

Сўнгра Хоразмшоҳ дарё ортидаги Фил шаҳрига қараб йўл олган ва ўша ерда қўноқлаган. Қутайба эса дарёнинг нариги тарафида - Ҳазораспда қолиб, Хоразмшоҳ тарафга ўтмаган. Икки ўртада Амударё бор эди. Шундан кейин, Хоразмшоҳ Қутайба билан уни “Хомжард малики” га қарши қўллаб-қувватлаши ва унга мактубда ёзганларини бажариши шарт билан 10 минг жангчи, пул ва мол эвазига келишув тузган. Қутайба буларни қабул қилган.

Бу вақтда Хоразм учта шаҳардан иборат бўлиб, уларни ҳар тарафдан хандақ ўраб турарди. Улар ичида Фил шаҳри энг мустаҳками эди[2]. Ибн Аъсамнинг нақл қилишича, Хоразмшоҳ бу шаҳарлардан иккитасини Қутайбага топширган ва ўзи ҳам унинг қўшинига бориб қўшилган. Хурразод эса учинчи шаҳарда қолиб, Қутайбага қарши кураш олиб борган. Лекин, охирида Қутайбадан омонлик сўрашга ва келишув йўлини излашга мажбур бўлган. Бироқ, Қутайба Хоразмшоҳ билан тузган битимига содиқ қолиб, сулҳга рози бўлмаган[3]. Аксинча, омонликни ўзидан эмас, акасида сўраши кераклигини айтган. Натижада, уруш чўзилган. Ниҳоят, Хурразоднинг қўшини енгилиб, ўзи эса асир тушган.

Табарийнинг ёзишича, Қутайба укаси Абдурахмон ибн Муслимни Хомжард маликига қарши юборган. Абдурахмон у билан жанг қилган, уни ўлдирган, унинг мамлакатини қўлга киритган ва одамларидан тўрт минг кишини асир олиб, Қутайбанинг ҳузурига келтирган. Сўнгра Қутайба уларни қатл қилган[4].

Бошқа ривоятга кўра, Қутайба Хурразодни ва барча муҳолифларини Хоразмшоҳга топширган. Хоразмшоҳ уларни ўлдириб[5], молларини Қутайбага юборган. Қутайба Фил шаҳрига кирган, Хоразмшоҳдан келишилган нарсаларни олиб, сўнгра Ҳазораспга қайтган[6]. Қайтишидан олдин, аввал шартлашилганидек, Хоразмшоҳни ўз ўлкасига подшоҳ қилиб тайинлаган.

Манбаларга кўра, Қутайба Хоразмда иккита вакил қолдирган. Булардан бири Иёс ибн Абдуллоҳ жанг ишларидан масъул бўлиб, у кучсиз киши эди. Иккинчиси эса солиқ ишларини юритувчи Убайдуллоҳ ибн Абу Убайдуллоҳ эди. Хоразм халқи Иёсни заиф кўриб, унга қарши бош кўтарганлар. Убайдуллоҳ бу ҳолатни мактуб орқали Қутайбага билдирган. Қутайба ўз укаси Абдуллоҳ ибн Муслимни Хоразмга омил қилиб юборган.

Шу орада исён кўтарган хоразмликлар уларни алдаган ҳукмдорлари Хоразмшоҳни ўлдирганлар. Бир ривоятда эса унинг турклар юртига қочиб кетгани зикр қилинади. Қутайба Хоразмшоҳнинг ўғлини отасининг ўрнига Хоразмга ҳукмдор қилиб тайинлаган. Берунийнинг сўзлари ҳам буни тасдиқлайди: “Хоразм аҳолиси [ислом динидан] қайтгандан кейин, Қутайба ибн Муслим Хоразмни иккинчи марта фатҳ қилгач, хоразмликларга

Аскажамук ибн Азкажавар ибн Сабри ибн Сахр ибн Арсамухни подшоҳ қилди ва уни шоҳликка кўтарди. Хусравлар насли қўлидан вилоят кетиб, уларда фақат шоҳлик номи қолди, чунки шоҳлик уларга меросдек эди. Эра мусулмонлар расмига мувофиқ, ҳижрий йилга кўчирилди. Қутайба Хоразм хатини яхши биладиган, уларнинг хабар ва ривоятларини ўрганган ва билимини бошқаларга ўргатадиган кишиларни буткул йўқ қилиб юборган эди. Шунинг учун у хабар ва ривоятлар ислом давридан кейин ҳақиқатни билиб бўлмайдиган даражада яширин қолди”[7]. Берунийга кўра, Қутайба Хоразмга иккинчи бор қўшин киритганда ўлка халқидан саводли ва илмли кишиларни қатл қилган. Лекин, бошқа манбаларда буни тасдиқловчи ва қувватловчи маълумот учрамайди. Гибб эса бунинг эҳтимолдан холи эмаслиги, исёнчилар сафидан ўлканинг билимли кишилари ҳам ўрин олгани ва улар энг оғир жазога ҳукм қилинганини илгари сурган[8].

Хоразм тарихи ва маданияти бўйича йирик тадиқотларни амалга оширган С.Толстов бу борада яна ҳам қизиқроқ маълумотларни келтиради. Унга кўра, Хурзод ва унинг одамлари маздакийлик тарафдори ҳисобланишган. Қутайба ўлдирган ва қувган олимлар эса маздакийликни тарқатаётган коҳинлар эди. Энг асосийси улар яхудий коҳинлар бўлишган. Чунки Табарий ўша коҳинларни “ахборлар” деб атайди. Ахбор эса яхудий олимлари демакдир. Уларнинг ёзган китоби эса асосан маздакийлик ғоялари – жамоавий эрлик ва исломга тўғри келмаган ғоялар бўлган. Айнан шунинг учун улар ёндирилган. Яхудийлар эса Ҳазарияга қочганлар[9].

Турк тадиқотчиси А.Н.Куратнинг ёзишича, Қутайба Хоразмни фатҳ этиш жараёнини Ҳазораспдан туриб бошқарган ва у ерда олти ой қолган[10].

Яна Толстовнинг ёзишича, Қутайба Хоразмшоҳ билан бирга укаси Абдуллоҳни ҳам шерик ҳукмдор сифатида қолдирган. Абдуллоҳ Хоразмшоҳнинг қизига уйланиб, африғийлар билан ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаган[11].

Ривоятлардан англашилганидек, Қутайба Хоразмни фатҳ этишда шахсан ўзи қўшин тортиб бормаган. Балки бу ишга укалари ва қўмондонларини тайинлаган. У Хоразмни тамомила фатҳ этиш ишини ўлкада ислом ҳокимиятига қарши чиқиши мумкин бўлган кучларни йўқ қилиш ва хоразмлик аскарларни ўз қўшинига олиш орқали амалга оширган. Қутайба Хоразмдаги ишларни тартибга солгач, у ердан 10 минг жангчи олиб, Сўғда қарши ҳаракатга киришган.

ХУЛОСА

Умуман олганда, Қутайба ибн Муслимнинг Хоразмни фатҳ этишдаги муваффақияти минтақа тарихида чуқур из қолдирди. Ушбу жараён нафақат ҳарбий куч-қудратнинг, балки дипломатик маҳоратнинг ҳам ёрқин намунаси бўлган. Хоразмшоҳ ва Хурразод ўртасидаги ихтилофлар араб қўшинларининг минтақадаги мавқеини мустаҳкамлаб олишга имкон

берган. Қутайбанинг моҳирона дипломатияси ва ҳарбий тактикалари фатҳнинг муваффақиятли ўтишини таъминлади. Шу билан бирга, ушбу фатҳ Хоразмнинг ислом оламига интеграциясини тезлаштирди.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Табарий. Тарих ат-Табарий. Қоҳира: Дор Ибн ал-Жавзий, 1971. – Ж. 6. – Б. 352-354.
2. Хуросоннинг фатҳ этилиши, б.36
3. Ибн Аъсам. Китоб ал-Футуҳ. 1991. – Ж.7. – Б. 155-156.
4. Табарий. Тарих ат-Табарий. Қоҳира: Дор Ибн ал-Жавзий, 1971. – Ж. 6. – Б. 352-354.
5. Балозурий эса Хурразодни Абдурахмон ибн Муслим қатл қилганини ёзган. (Балозурий. Хуросоннинг фатҳ этилиши. Тошкент, 2017. – Б. 36-37.)
6. Табарий. Тарих ат-Табарий. Қоҳира: Дор Ибн ал-Жавзий, 1971. – Ж. 6. – Б. 352-354.
7. Абу Райхон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2020. – 70 б.
8. Gibb, H. A. R. (2005). Orta Asya’da Arap Fetihleri. (H. Kurt, Çev.). Ankara: Çağlar Yayınları. – S. 60.
9. С.П.Толстов. Қадимий Хоразм цивилизациясини излаб. – Тошкент, 2014. 258-262
10. Kurat A.N. Kuteybe b. Müslim’in Harizm ve Semerkant’i Zapti // Ankara Üniversitesi Dil ve Tarih-Coğrafya Fakültesi Dergisi, VI/5. – Ankara, 1948. – S. 400.
11. С.П.Толстов. Қадимий Хоразм цивилизациясини излаб. – Тошкент, 2014. 261.